

## Бақара сураси, 222-оят

12:40 / 01.03.2018 7770

**Сендан ҳайз ҳақида сўрарлар. Сен: «У кўнгилсиз нарсадир. Ҳайз чоғида аёллардан четда бўлинг. Пок бўлмагунларича уларга яқинлашманглар. Қачонки пок бўлсалар, уларга Аллоҳ амр қилган жойдан келинг. Албатта, Аллоҳ кўп тавба қилувчиларни севадир ва покланувчиларни севадир», - деб айт. Бақара 222.**

Имом Аҳмад ибн Ҳанбал Анас ибн Молик розияллоҳу анҳудан ривоят қиладилар:

**«Яҳудийлар уларнинг аёллари ҳайз кўрса, бирга овқатланмай ва бирга ётмай қўяр эдилар. Саҳобалар Набий алайҳиссаломдан бу ҳақда сўрадилар. Ва Аллоҳ таоло «Сендан ҳайз ҳақида сўрарлар» оятини нозил қилди. Шундан кейин Набий алайҳиссалом: «Жинсий алоқадан бошқа ҳамма нарсани қилсангиз бўлади», - дедилар».**

**«Сендан ҳайз ҳақида сўрарлар».**

Ҳанафий мазҳаби уламолари ҳайзни бундай таърифлайдилар: «Тўққиз ёшдан эллик беш ёшгача бўлган, касал ёки ҳомиладор бўлмаган аёл жинсига мансуб инсоннинг раҳмидан чиқадиган қондир. Ҳайзнинг энг оз муддати уч кечаю уч кундуз, энг кўп ўн кечаю ўн кундуздир. Ҳайзнинг энг оз муддатидан оз, энг кўп муддатидан кўп ёки аёл кишининг одатидан ортиқ келадиган қон истеҳоза дейилади».

Демак, одамлар ҳайз ҳақида сўрадилар. Жавоб оятда қуйидагича келди:

**«У кўнгилсиз нарсадир».**

Яъни ҳайз нопок, кўнгилга ёқмайдиган, озор берадиган нарсадир. Шунинг учун

**«Ҳайз чоғида аёллардан четда бўлинг», яъни уларга жинсий яқинлик қилманг.**

Ҳайзи тўхтаган аёл ғусл қилгандан кейин пок бўлади. Агар ғуслга узрли бўлса, таяммум қилади. Шундан кейин унга жинсий яқинлик қилса бўлади. Ҳанафий мазҳабида ўн кунлик ҳайз кўрган аёлга ҳайзи тўхташи билан яқинлик қилса бўлади. Ўн кундан оз муддат ҳайз кўрган аёлга эса ҳайзи

тўхтаб, ғусл қилганидан кейин ёки агар ғусл қилмаса, бир намознинг вақти ўтганидан кейин яқинлашишга рухсат берилган.

**«Қачонки пок бўлсалар, уларга Аллоҳ амр қилган жойдан келинг», дегани «Олд тарафдан яқинлик қилинг, орқадан эмас», деганидир.**

«Албатта, Аллоҳ кўп тавба қилувчиларни севадир ва покланувчиларни севадир», дейилиши «Бу ҳукмни билмаган чоғларида мазкур йўл-йўриққа хилоф иш қилган бўлса, тавба этсин, бундан кейин доимо покликка, айниқса, ҳайз масаласида алоҳида эътибор берсин», деганидир.